НИЛУФАР УМАРОВА

ДУОГЎЙ ЁМҒИР

Тошкент
"Янги аср авлоди"
2006

84(5Ў)6-5 Ўзб. 2д2б.2
Шеърлар

Нилуфар Умарова мумтоз ва ҳозирги шеъриятимиз анъаналарига содиқ қолиб қалам тебратаётган, ўзига хос овози, нафасига эга иқтидорли ёш шоирларимиздан. «Дуогўй ёмғир» тўпламида ёш шоира юрагидаги ҳаяжонларини, самимий туйғуларини сиз, азиз китобхонларга ҳам юқтирмоқчи бўлади.

Ю32973

ISBN 978-9943-08-003-4
© Н. Умарова. "Дуогўй ёмғир". «Янги аср авлоди» НММ, 2006 йил

2007
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

* * *

Юрак тупроғида азим бир дарахт,
Соя ташлаб ўсар андуҳларимга.
Кўзлари меҳрдан чатнаган япроқ,
Илдизлари туташ жон томиримга.

Баланд новдалари бўй берар кўкка,
Гул очар шафтоли гулидай сара.
Шундайин осмонки, қўл чўзса етмас,
Чексиз кенгликлари ҳад билмас сира.

Бахт, Соғинч, Муҳаббат ҳиссида ёнар,
Юрак-вужудимнинг зўр ғайратлиси.
Бисотимда бори ўтлиғ сўз аро,
Топганларим ичра энг ҳайратлиси —
ВАТАН...

* * *

Нигоҳларим ниҳол бўлиб кўкарган ер,
Кўнгил қушим потирлаган чексиз само.
Отамнинг кенг даласидан анқиган тер,
Орзуларим опичлаган Момо Ҳаво.

Меҳр тўла туйғуларим билмас тиним,
Сочларимнинг қуюнида адашар ғам.
Лабларимда бодраб турган табассумим,
Ўзбекистон – менинг мунис Онагинам.

ГЎЗАЛ ШАҲРИМ

Тарихларни варақласам уйғонасан,
Хотирангга тегиб кетсам тўлғонасан,
Қайдан топдинг бунча шонни-туйғуни сан,
Насаф, пири улуғликда азал шаҳрим.

Неча аср қадим Суғдга пойтахт бўлдинг,
Мардларингга ҳам шижоат, ҳам шаҳд бўлдинг,
Қай буюклар етолмаган хилқат бўлдинг,
Ровийларнинг тилларида масал шаҳрим.

Сени зарга сотганларни хушламасман,
Ўзга диёр ерларида қишламасман,
Жаннатмисол водийларни кўзламасман,
Қум саҳроси кўзларимга афзал шаҳрим.

Сенда яшаб ўтди қанча даҳоларинг,
Бошим узра эсар қадим саболаринг,
Саф тортсалар Темурдек мард боболаринг,
Авлодларга мудом ўрнак мисол шаҳрим.

Бугун ҳусну чиройинг ҳам ўзгачадир,
Қад тиклаган минорларинг нур сочади,
Гулзорингда турфа гуллар кўз очади,
Кўз ўнгимда кўрк таратган гўзал шаҳрим.

Юрагимда менинг эрка ҳисларим бор,
Тупроғингда илдиз отган изларим бор,
Нилуфар дер: мисраларим гўла алёр,
То умрбод туганмас куй-ғазал шаҳрим.

* * *

Мажнунтол назр этар навозишларин,
Япроқлар солланар шамолни силаб.
Ногоҳ бузгандайин дунё тушларим,
Кўкнинг ғалвирида тонгларни элаб.

Шабнам кўйлагида жунжикар борлиқ,
Шафтолининг гули рангин, нафармон.
Юрак орзуларга қилгандай торлик,
Қуёш ҳаяллайди, бўй чўзар армон.

Саболар майсанинг кўксини ёргай,
Кўнглимни ўртайди олам сирлари.
Уфқдан оҳиста бошин кўтаргай
Осмон юрагининг зар томирлари.

ҲОЛАТ

Қошини чимирар булутли осмон,
Ногоҳ гумбурлайди чақмоқ зардали.
Шамол тўзғитади учириб, ҳар ён
Ҳавода торгилган ғубор – пардани.

Сершовқин боғларнинг бағри талотўп,
Ўрнидан қўзғалиб қўяр толлар ҳам.
Қақраган лаблари секин тамшаниб,
Дарахт барг-косасин тутар ушбу дам.

Уйқудан уйғониб қулоқ тутар ер
Қадим майсаларнинг эртакларига.
Гиналар шивирлар. Томчиланар сўз,
Момогулдуракнинг этакларига.

Қойишлардан эриб кетади абр,
Бағрига яширар ой ҳам юлдузин.
Булут панжасидан қутулган ёмғир
Қалбим ойнасига уради ўзин.

Ёмғирлар йиғлашни ўрганар мендан.

* * *

Кўз қисишар юлдузлар ғужғон,
Ҳайратларда ёндим ҳайрон-лол.

Юксакларни ўзга эп кўрмай,
Кўк тоқидан тўкилар ҳилол.

Ҳисларимни йўргаклаб олгай,
Шеър кўнглимнинг бир арзандаси.

Юрагимга ишқ дардин солган,
Мен – худонинг суйган бандаси.

ДУОГЎЙ ЁМҒИР

Осмон шивирлайди, Дуогўй ёмғир
Майсалар тилида пичирлар беҳол.
Ишққа аччиқ қилиб, хўрсиниб оғир,
Юрагимни отиб ўйнайди шамол.

Нечун томиримда музлади хуним,
Нечун гулханларим ёнмайин сўнди.
Кундузим қоронғу, ёруғдир туним,
Баҳор, мундин ортиқ ишқ берма энди.

Бас, шивирлама осмон, йиғлама ёмғир,
Кўнглим чашмасида ўсган чечакман.
Севгининг кўз ёши бунчалар тахир,
Юлдузлари ташлаб кетган Фалакман!

ЭСКИ ҲОВЛИ

Эски ҳовли – нураган девор
Айвондаги каттакон қозон.
Қора куя босган қумғонни
Соғиндим, моможон.

Тандирда зеб бериб ёпилган,
Қаймоқли, жиззали патирни.
Қулоғинг четига тақилган
Анвойи райҳоннинг атрини
Соғиндим, моможон.

Осмонга термулиб ётардик,
Майсалардан гиламлар тўшаб.
Биз сигирни ҳайдаган ўша,
Беноён, беҳудуд далани.
Соғиндим, моможон.

Эски ҳовли – йўлаклари тор,
Унда сенинг изларинг қолган.
Унда менинг болалигим бор,
Йўл четида хуш ялпизларни
Соғиндим, моможон.

Деразам ёнида навбаҳор,
Кенг дала. Ширин бир уйғониш.
Кўкламда бокира ҳисларни
Соғиндим, моможон.

ХАЁЛ

Хаёл, сенинг болангман-гул,
Ташвишимдан толиб кетдинг.
Болалигим сўнгсиз бир йўл,
Ўйнатгани олиб кетгин.

Муҳаббатдир тилло соққа,
Бой берганим гул япоққа,
Юрагимни қизғалдоққа
Сўйлатгани олиб кетгин.

Шивирла гул, теракларга,
Юлдуз тўла фалакларга,
Қайтай сирли эртакларга,
Ўйлатгани олиб кетгин.

Чақмоқ-қилич, кўксим тилар,
Кипригимга ёш тизилар,
Узоқдан бир кўрсам бўлар,
Бўйлатгани олиб кетгин.

Хаёл, сенинг болангдирман,
Ташвишимдан толиб кетдинг...

РАЪНОГУЛИМ

Киприкларинг кзларимга соя солар,
Ифорларинг бир туйишда жоним олар,
О, дил сени телбаларча севиб қолар,
Раъногулим.

Юрагимнинг томирида гуллайди ишқ,
Япроқларинг суяр мени, қўллайди ишқ,
Соғиниблар куйлаганим қадим қўшиқ,
Раъногулим.

Сен ўсган боғ сарҳадидан ўтар йўлим,
Тароватинг бунча хушбўй, бунча сўлим,
Гулзор ичра танлаганим аъло гулим,
Раъногулим...

ЯШИЛ ҲАЙРАТЛАР

Гулдор кўйлак кияр яланғоч дарахт,
Куртаклар тилида таъбирланар туш.
Чўққига бош олиб кетади қорлар,
Мартнинг нафасидан эриб битар қиш.

Қулоғидан тортар донишманд еллар,
Сўзига кирмаган майса боланинг.
Суқ тўла нигоҳлар тегинган замон,
Юзи дув қизарар томда лоланинг.

Барака тилайди қўл очиб тупроқ,
Ёмғир – сахий кўкнинг назру ниёзи.
Гиламдек тўшалар яшил ҳайратлар,
Бинафша гулининг йўқдир қиёси.

Шудгорли ерларнинг эти увишиб,
Қуёш табибидан олишар малҳам.
Эрта тонг баҳорнинг изидан тушиб,
Қадим даласига йўл олар отам.

ОНАМГА

Кўзларимни тарк этса уйқу,
Она, мени ким тинглайди, ким?!
Юрагимни бир ширин қайғу
Ғижимлайди, ғижимдир тонгим.

Тушимда ҳам нурдек уриниб
Меҳрингизни илинасиз гоҳ.
Ёнингизга яқин сурилиб,
Бағрингиздан истайман паноҳ.

Баъзан ҳижрон кўксимиз ўйиб
Тош боғлади тилларимизга.
Мен боламни, сиз мени суйиб,
Ғуллар осдик йилларимизга.

Биз юкинган олтин кузларни
Ёндиради хазонрезгилар.
Мудроқ занги урган ҳисларни
Уйғотади ҳушёр сезгилар.

Йўлчи тонгим кутмоқда яна,
Уфқларга узанар қўлим.
Йўлга чиқай йўл сўраб, она,
Изн бергил, қаёнда йўлим?!

Кузатмоққа чиқибди қуёш,
Тоғ қошида сендай ташнаҳол.
Кипригида олтинланар ёш,
Узоқ-узоқ силкийди рўмол.

Мен бағрингга қайтурман, она!

* * *

Хаёлларинг меҳр талашиб,
Дайдиб борар шом қаросида.
Туманлар ҳам кетар адашиб,
Қошларингни қоқ аросида.

Жунжитади танни бир эпкин,
Париваашлар талашар чирой.
Япроқларни ўйнатиб секин,
Дарахтларга чирмашади ой.

Етсирайди такаллумларинг,
Кудуратлар намойишона.
Келганингни билдирмоқ нечун,
Қолдирмасанг бирор нишона.

Кўринмайсан, нигоҳим толар,
Син солмайсан дил моҳларига.
Кокилларинг ўралиб қолар,
Шамолларнинг бармоқларига.

«...Бошқача яшайман эртадан бошлаб»
Фарида Афрўз

Кўнгилда ниш урар орзу-ҳавaслар,
Жон бўлиб қуйилар дилга нафаслар,
Ёмғирлар – самодан ёғилган саслар:
Бағримга илинжни келади бошлаб.

Мен хаёл суриб ҳеч тўймадим, жоним,
Ҳаётда аразтиб суймадим, жоним,
Ўзимни-ўзимга қўймадим, жоним,
Армонлар қўйдилар юракни ғашлаб.

Тунларнинг сочини оҳиста силаб,
Ойнинг юзларига босадирман лаб.
Юлдузларни териб битта-битталаб,
Руҳим ер-заминни кетгандир ташлаб.

Соҳир сўз – бу ширин жонга ўт қалар,
Ҳаққа етгай оҳим, ишонч бир талай,
Ҳаётдан умидим бордир ҳар қалай,
"Бошқача яшайман эртадан бошлаб".

БУ ЙЎЛЛАРДАН

«... Бу йўлларнинг эса адоғи бўлмас»
Абдулла Орипов

Бу йўллардан ҳар кун минг бор ўтгандекман,
Кўзларимга сурма қилиб тупроқларин.
Бу йўллардан ўтар пайтни кутгандекман,
Бу йўлларга таниш ҳатто фироқларим.

Гул ҳаётга бўлиб мен ростмана ошиқ,
Бу йўллардан бахти бекам – тўлиб ўтдим.
Ҳар ўтганда юрагимдан сочилди ишқ,
Бу йўллардан ҳам йиғлаб, ҳам кулиб ўтдим.

Бу йўлларнинг дов-дарахти, тераклари,
Шовуллайди мағрур тутиб кўкракларин.
Бу йўлларда йилларимни қолдирдим, лек
Бу йўллардан топдим дилга керакларни.

Бу йўлларда неки учрар таниш бари,
Тупроғида унган изнинг саноғи йўқ.
Кўзларимга ботар ойнинг синиқлари,
Бу йўлларнинг адоғи йўқ, адоғи йўқ.

* * *

Хонангизнинг деразасига,
Дарпардалар тутилган ҳарир.
Кутаяпман эшик олдида,
Сизга гапим бор эди зарур.

Келмайсизми, қалбимга яқин,
Розларимни тингламайсизми?!
Дардларим кўп дил ёққан чақин,
Муҳаббатим англамайсизми?!

Қўшни боғда шилдирар булоқ,
Куйлари ҳам айни авжида.
Сўзларимга сиз тутинг қулоқ,
Ҳайт, сизни севаман жуда.

2007
Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston M

ТОМЧИЛАР

Сайр этдилар фалакда сузиб,
Лўх[*] тўзғоғи каби-да тўзиб.
Мовий борлиқ уйқусин бузиб,
Қалбга куйин тўкавердилар.

Туғёнларин асрашиб розда,
Жилоланиб камалак-созда,
Чарчамайин асло парноздан,
Жимлик чокин сўкавердилар.

Майсаларга сўнг тақиб мунчоқ,
Гўё чалди олтин қўнғироқ,
Шаффофланди яқину йироқ,
Асал бўйин сочавердилар.

Ишқ базмини қурди хушхандон,
Куртакларни қитиқлаб шодон,
Ўн саккизга тўлгандек жаҳон
Ишқ дафтарин очавердилар.

Айланишиб куйга томчилар...

---

[*] Қамишсимон ўсимлик

СОҒИНДИММИ...

Соғиндимми, билмам, юрак безовта урар нега,
Кўргим келар яна ўша меҳри иссиқ кўзларни.
Изҳори дил териб сочсам товушларнинг кафтига,
Забонимда илдизлари чуқур ботган сўзларни.

Соғиндимми, кипригимда томчилар қотган, бу чоқ,
Тизилишиб ўзларини кўз-кўзлашар инжуга.
Сукунатдан чўчиб секин тиқиламан яқинроқ,
Ҳали тани совумаган ширин тушлар пинжига.

Соғиндимми, қўмсашларнинг товонлари кесилар,
Қанот қоқиб учиб борар, Сиз томонга ўйларим.
Юрагимга тоб ташлайман майин торлар эшилар,
Қонларимда жўш уради тўлқинларнинг куйлари.

Соғиндимми, кўринмайсиз дилга яқин умидлар,
Хаёл қурғур нигоҳимни олиб чопар узоққа.
Деразамдан мўралайди сўзсизгина сукутлар,
Соғиндимми, бу ҳис мени илинтирар тузоққа.

МЕНМАН АСЛИ

Ҳувиллаган саҳродир умрим,
Ҳасрат нили кўзимни тилган.
Рашк ўтида ёнмагин, қумрим,
Менман асли ичикиб келган.

Кўнгил ташна хонишларингга,
Гоҳ суйиб, гоҳ тонишларингга,
Бош қўйдим гул-болишларингга,
Юрагимга боғ кўчиб келган.

Нолаларинг кўкларга бўйлаб,
Ошиқларга дардларинг сўйлаб,
Ишқ ғазалин бўлганда куйлаб,
Дам қувониб, дам чўчиб келган.

Наволаринг ҳазин бўлса ҳам,
Тинглайвергум – туйғуларим жаъм,
Дема, кўзим айроликдан нам,
Менман асли кечикиб келган.

ОЙНИ КЎЗГУ ҚИЛИБ

Майин шивир тутиб дудоқларимга,
Муаттар кунларим суясизми жим?!
Ойни кўзгу қилиб нигоҳларимга,
Сочларимни тараб қўясизми жим?!

Ҳар оқшом сўроқлаб қолсам исмингиз,
Суратингиз чизиб хаёлларимда.
Мушку анбар сепиб, ёқиб жисмингиз,
Яна пайдомисиз саволларимда.

Сокин бу кўнглимнинг найини чалиб,
Тағин юрагингиз ёқиб дудласам.
Сизни ҳовучимга тўлдириб олиб,
Димоғимга босиб, ширин ҳидласам.

Мендан олислашиб кетманг, шамоллар...

БИЗГА АТАЛГАН КУН

Умидлар кўзимда мужгондек ўсди,
Марнарид кзимда маржондек ўсди,
Илинжлар сўзимда бир жондек ўсди,
Қачон келар "Бизга аталган кун"лар.

Дуч келган қарию ёшдан сўрадим,
Кўнгилчану бағри тошдан сўрадим,
Чатишган ул туташ қошдан сўрадим,
Қачон келар "Бизга аталган кун"лар.

Унутгум гинаю кийн барчасини,
Меҳрга очгайман дил дарчасини,
Берардим юракнинг бир парчасини,
Қачон келар "Бизга аталган кун"лар.

Мажнунтол сочидан баргак тўқирдим,
Тунни соҳир айлаб эртак тўқирдим,
Дилбар мисраларни шу дам ўқирдим,
Қачон келар "Бизга аталган кун"лар.

Мени нигоҳинг-ла қўйгин эркалаб,
Бу ташна юрагим муҳаббатталаб,
Яшарман, ёлғизим, васлингни тилаб,
Қачон келар "Бизга аталган кун"лар.

* * *

Жимлик...
Соат чиқ-чиқига кўшан ожиза,
Кўпларин эговлар югурик миллар.
Вақт кумуш паллали тарозусида
Умрни ўлчайди кечилган йиллар.

Ҳасаднинг уйида бурсиқар тутун,
Гуноҳ қабартирар оёқларингни.
Тўрт томони қибла шўхчан, қув хаёл,
Ҳар ёнга юборар сайёҳларини.

Эрмак-кун ўтарга яшар шунчаки,
Гулдан-гулга қўниб шайдо капалак.
Сочларини боғлаб мажнунтолларнинг,
Шамол чопқиллайди бир жони ҳалак.

Ўтаётган тотли кунлар хунсираб,
Тушади ҳийлакор вақтнинг қасдига.
Муҳаббат "ким ўзар" ўйини эмас,
Асло севиб бўлмас басма-басига.

Умрни ўлчайди кечилган йиллар.

ТИЛАК

Қизинг турса чирой очиб,
Лаблар инжа гавҳар сочиб,
Белларини қучса сочи,
Жамалаги зарли бўлсин.

Муҳаббатда гавҳар терган,
Ошиқлари кўкрак керган,
Чертилганда садо берган,
Қалби майин торли бўлсин.

Чўққиларда қурган макон,
Матонатдан бино қўрғон,
Нигоҳлари қучган осмон,
Баланд тоғлар қорли бўлсин.

Кучга тўлган билаклари,
Эзгуликдир тилаклари,
От сурганда юксаклари —
Майдонлари сорли бўлсин.

Эй, биродар, сен бир нафас,
Мол-дунёни этма ҳавас,
Элу юртдан бахт аримас,
Ўғлинг бўлса орли бўлсин.

* * *

Шамоллар, сочларим эркалаб суйинг,
Телбаман. Гулларга исмимни ўйинг.
Ҳисларим уволи тутгай, аразлар,
Гиналарни қўйинг, кекларни қўйинг.
Илиқ соғинганман мен сизни ахир.

Йиллар умрим узра тортилган қафас,
Хаста туйғуларга малҳам топилмас.
Фаслларнинг номин тутганим маҳал,
Лабларим куйдирар исмсиз бир сас:
Қизиқ, соғинганман мен сизни ахир.

Узун тунлар келар соғинчга малол,
Юрак симиллайди топгандек завол.
Юзларимдан ўтмай, андиша этмай,
Ҳузур бахш этади ҳар ширин хаёл.
Ортиқ соғинганман мен сизни ахир.

КЎЗИНГНИ АРТ...

Куй тингладим сўйлади оқин,
Сирли дил розингга ўхшайди.
Оҳанглари кўнгилга яқин,
Ҳазин овозингга ўхшайди.

Умр бўйи интиқ кутилган,
Азоблари ичга ютилган,
Дил торига қўшиб чертилган,
Янгроқ-шўх созингга ўхшайди.

Ҳақни излаб ҳориган, толган,
Ўзини минг кўйларга солган,
Синовларга ҳеч бермаган тан,
Фироқли нозингга ўхшайди.

Чўзилади йилдай тунларинг,
Ярашиқли гина-кинларинг,
Садо берган нола-унларинг,
Йўқлашинг розингга ўхшайди.

Дилдан ҳадик, гумонларни қув,
Юрагимни эзмасин ғулу,
Энг чиройлим, мен севган сулув,
Тағин овозингга ўхшайди:

"Кўзингни арт, йиғлама, жоним".

* * *

Армонми ўнгиму сўлларим,
Олисми, саодат йўллари,
Самода муаллақ қўлларим,
Висолнинг бўйлари узунми?!

Умидим шуъласи тўнгиди,
Тушларим таъбири ўнг эди.
Тилагим тоғдан-да чўнг эди,
Айрилиқ куйлари узунми?!

Ҳисларга болишдир юрагим,
Оловда тобланган сўнгагим,
Армонми, бир умр тиргагим,
Муҳаббат ўйлари узунми?!

* * *

(Халқ оҳангида)

Оразуларга етгумми омон,
Қиймаландим хаёл тиғида,
Ортга қайтдим ёнманг деб ёмон,
Гулханларнинг аролиғида.

Кипригимни аллалар баҳор,
Қароғимга қўндирмай ғубор,
Гиёҳлари бўлармиди кор,
Юрагимнинг яролиғига.

Ўт нафасли тилсимми дунё,
Оловида куйганми кун ё,
Тун алмашиб кетганмикин ё,
Кўзларимнинг қаролиғига.

Узоқлашмоқ эмасдир осон,
Заъфарондир ҳижроннинг туси,
Сўнг ҳайқириб ўқидим таҳсин,
Муҳаббатнинг балолиғига.

* * *

Сени узоқларга олиб кетайми,
Бедиллар нафаси етмас жойларга.
Кўз ил ғамас ирмоқ бўлиб бир фурсат,
Қўшилиб оқамиз жўшқин сойларга.

Бу ерларда қолиб яшамоқ абас,
Тун-куннинг минг битта саволи ўртар.
Учмоққа шайдирман, изн берсанг бас,
Ахир, парвозимиз фалак-да кутар.

Кимдандир ортиқмиз, кимдандир каммиз,
Бир дам ўзимизни ўзлаб борамиз.
Кел, ўша руҳият ўлкаларига,
Ишқдан афсоналар сўзлаб борамиз.

Токай ўзимиздан яшаймиз қўрқиб,
Кўкка учмоқликка ўзингни кўндир.
Ой оқ олмадайин бағримда тўпиб,
Юлдузлар жимирлаб сочимга қўнди.

Юр кетдик бу ердан
Хайр, хуш қол, қалб!

* * *

Сочимни тўзғиб ўйнарга, ажаб, дайди шамол йўқдир,
Фикратимда ўйингиздан узунроқ бир хаёл йўқдир.

Гулобин симириб гулнинг, десам, рангин олу аҳкар,
Жамолу кўрки недин деб берарга, бир савол йўқдир.

Фараҳ ичра қоқиб киприк, шўхи наззора этсам гар,
Юракни эҳсон айларга сира кин ҳам малол йўқдир.

Кими иноят айларким, бани Лайли висолига,
Шўри жунун тўфонида даги ҳайрону лол йўқдир.

Ки излаб даҳр аро дунни не топдинг сўрсалар, дерман,
Ғазал илкида ниш урган муҳаббатдек ниҳол йўқдир.

Нилуфар дер: агар агёр нокасу бенаво бўлса,
Ложуворд ашкингиз кўрсам, манга мундин увол йўқдир.

* * *

Сиз турган тоғ баланд экан,
Дилга ваҳм солар экан,
Орзумга тош қалар экан,
Чиқай десам майишади.

Чирмашаман тўр-қирига,
Тушунолмай ҳеч сирига,
Чувалашиб бир-бирига,
Хаёлларим олишади.

Тоғ – бу сабр қотган тошлар,
Чўққисига қачон бошлар,
Билмам, энди бу бебошлар,
Қачон менга қайишади.

Қачон мени аяшади.

* * *

Сен юракка излар солган сирли йўлдирсан,
Маржонлари жимирлаган сароб чўлдирсан,
Эй, Муҳаббат, япроқлари мавжли гулдирсан,
Ўргилайин сени ширин озорларингдан.

Марвариддек нигоҳларга зиё сочасан,
Ҳар юракда ўзгача бир дунё очасан,
Яқинлашган сари ўзни олиб қочасан,
Кўнгил узиб қўйдингми гул узорларингдан.

Тил айланмас, қарашлардан тўкилар унлар,
Нафасингга олов пуркар ўтмаган кунлар,
Фироқингда киприк қоқмас уйқусиз тунлар,
Тонгнинг қандай отишин сўр бедорларингдан.

Дил уйига киролмагай қайғу, ғурбатлар,
Юпанчмисан, саодатми — англар фурсатлар,
Сарғаймасин манзилингга йўлланган хатлар,
Дунё юзи ёришсин, кел, дийдорларингдан.

* * *

Қоқилган киприкка ўхшар ўтган кун,
Измимда қаҳри хўп қаттиқ фурсатлар.
Ёзиб-эгасига жўнатилмаган,
Столим устида саноқсиз хатлар.

Лаҳзалар кўзида улғаяр олам,
Ҳаёт мени жондан ортиқ суяди.
Кўнгил сўраб турган бугунимни ҳам,
Ташвишлар ямламай ютиб қўяди.

Шошиб тушаяпман зинадан пастга.
Ҳамкасбим чақирар: «Эй, Сиз, қўнимсиз.
Вақтингиз бунча зиқ, қаранг бирпасга,
Биров излаяпти Сизни тинимсиз».

Нигоҳим сирғалар ён-атрофимга,
Сиқиқ йўлакларда тирбанд шовқинлар.
Қон жўшиб урилар юрак сопимга,
Кўксимга сиғмайди беадад унлар.

Якун ясалгандай дил талошларга,
Вужуд ахтаради гўё кўз бўлиб.
Руҳим муҳрланар мармар тошларга,
"Кимдир излаяпти" деган сўз бўлиб.

Ҳисларим тортқилар самовий бир куч,
Янa ҳаяжонга макон бўлар лаб.
Мени остонамда зор кутар Соғинч,
Бир дона нилуфаргулни қучоқлаб.

* * *

– Арғимчоқда учган одамнинг гуноҳлари тўкилади, – дейишади.

Қўшни аёлнинг гурунгидан

Дарахтнинг энг тепа шохида,
Арқонни тортганмиз бойлашиб.
Қизчалар келишар гоҳида,
Ненидир баҳона айлашиб.

Арғимчоқ, шукр этиб борингга,
Қийқириб учишар баландлаб.
Арғимчоқ, осилай дорингга,
Кўксимга шамолни пайвандлаб.

Кўкрагим – замини меҳрнинг,
Ҳижронлар қоч энди, қоч энди.
Гуноҳим бўйнимда ўзимнинг,
Ишқимни соч энди, соч энди.

БАҲОР СЎНГИДА

Сиз бедорсиз – уйқуси ҳалак,
Қўмсайсиз дил наволаримни.
Рангга солиб ўйнар камалак,
Майнинг сўнгги ҳаволарини.

Боғингизда баланд зардоли,
Кўк ингандир довуччаларга.
Шохин қоқса дув тўкилади,
Ялпизларнинг ҳовучларига.

Шовуллаган настарин гуллар,
Анҳорларнинг бўйига етар.
Изларимни унутган йўллар,
Райҳонларга қовушиб кетар.

Адоғига етгандек тушим,
Май қўллари маъюс силкийди.
Кузатмоққа йўқ сира хушим,
Кўзларимдан ўкинч силқийди.

Баҳор, Сиз-ла хайрлашгим йўқ...

* * *

– Йиғламасанг, юлдузларни териб бераман дегандингиз. Осмонларга кетмаяпсиз-ку?

Ўғлимнинг деганлари...

Деразадан боқиб, оқшом чўкканда,
Савол ёғдирасан ечимсиз, чигал.
– Маъюс кўзларингни менга тиккин-да,
Она, саволимга жавоб бер тугал.

– Шодликдан энтикиб тургин дегандинг,
Йиғини ўзимга ошно этмадим.
Юлдузларни териб бергум дегандинг,
Олис осмонларга нечун кетмадинг.

Ижро этмадинг-ку ваъдаларингни,
Ёлғонлар шартмиди, ўксик кўнглимга.
Юпанч бўлолмаган далдаларингни,
Энди асраб қўя қолгин синглимга.

– Сўнгсиз ўкинчларинг дилни ўртайди,
Юлдузлар жимирлар нигоҳларимда.
Фақат сен онангни тушун, жон болам, —
Исмли сўз ёғар дудоқларимдан...

– Кўкни сийму зарда кўрмоқчи эдим,
Шу боис кетмадим, шундан кетмадим.
Сенга ойни олиб бермоқчи эдим,
Болам, қўлим калта, қўлим етмади...

* * *

У кунларни эслаган маҳал,
Билмам, қалбим титрайди сим-сим.
Мени Сизга қайтарар ҳар гал,
Умид отли сўнгги нафасим.

Тун – новдаси буталган дарахт,
Шивирлашдан маҳрумдир – тилсиз.
Термулади юлдузлар карахт,
Ой шуъласи хира ю бетус.

Ёстиғимга боғланди тушим,
Бетизгин ўй чокини сўтиб.
Талпинади сизга қалб қушим,
Ўтардирман бир илинж кутиб.

ДАРД

Чирмашиб олгансан чирмовуқ мисол,
Назарга илмайсан дод-сасларимни.
Висолга талпинган телба кўнгилдай,
Ўзингга тортасан нафасларимни.

Бўғзимга тикилиб ётасан тунлар,
Зув-зув ўрмалайсан баданларимга.
Сим-сим оғриқларга ўрганиб қолган
Тердайин тўкилар ишқ танларимдан.

Инжиқ туйғуларим сукб зиёда,
Ўйнатиб юрасан елкаларингда.
Кўзим қирғоғига чиқмоқ бўлиб гоҳ
Сузасан, кипригим – елканларимда.

Сен-да, олов янглиғ тилсиз бир ёвсан,
Тушган манзилини куйдирмай қўймас.
Аччиқ тутунларда туташган жонсан,
Ҳатто тушимда ҳам ашкимдан тўймас.

Тинмайин сипқориб азобларимни,
Ўзимни-ўзимдан тортиб олдинг-ку.
Дили оғриқлигим, энг чиройлигим,
Эй, дард, сен ҳам мени севиб қолдинг-ку!

СИЗ БИЛМАЙСИЗ

Сиз билмайсиз, кўзларимда юлдуз чақнаб,
Юрагимда сор бургутлар ётганини.
Кечалари ёстиғимдан олов чатнаб,
Тонгларимнинг тиғ устида отганини.
Сиз билмайсиз, сукунатнинг шарпалари,
Неча йилки, изларимни юрар пойлаб.
Муҳаббатнинг сирли матоҳ – сарполарин,
Юрагимнинг қатларига қўйсам жойлаб.
Сиз билмайсиз, довулларда қолган умрим,
Увол бўлган туйғуларнинг хунин сўрар.
Зарпечакдай ўралади ишқнинг тўри,
Кўнгил шўрлик ўз кунини ўзи кўрар.
Сиз билмайсиз, гул жомида шабнам ичиб,
Ғунчаларнинг япроғида тўнганимни.
Энг умидли онимда ҳам жондан кечиб,
Яратганнинг берганига кўнганимни.
Сиз билмайсиз, чақмоқ урган кунларимни,
Соябондай асранг дея қистамайман.
Юрагимни улғайтирган тунларимни,
Сиз билмайсиз, билишингиз истамайман.

МЕНГА ШУНДАЙ ТУЮЛАР

Дунё – маъсум гўдак,
мурғак орзунинг
Кафтига тўкилган
беҳисоб имкон.

Дунё – қария чол
оппоқ соқоли
Дарахтга илиниб
қолган ногаҳон.

Дунё – телба ошиқ,
паришонхотир.
Тарновда осилиб
турар беомон.

Дунё – юрагимга
энг азиз инсон
Ҳислари қор бўлиб,
ёғилар шу он.

Менга шундай туюлар қишда.

* * *

Йил сўнгида хайрлашмоқ оғир кечар,
Капалакка айланади оппоқ қорлар.
Нинабарглар кипригим-ла қавм талашиб,
Кўзларимга кўчаяпти арчазорлар.

Узаяди дилнинг оғриқ нуқталари,
Бир-биридан узилади нафасларим.
Асога суянар кексарган дардларим,
Хотирларни қамар юрак қафасларим.

Ўй-хаёллар гирдобида бир зум гангиб,
Бир кечада орзуларга тўлар дунё.
Кумуш қорнинг қучоғига сингиб-сингиб,
Яна минг йил яшаргандай бўлар дунё.

Кўзларимга кўчаяпти арчазорлар.

* * *

Бир кун кўксимизга офтоб тегади,
Боғимизга нурдан гуллар экади,
Бизни унутганлар бошин эгади,
Буюклар ичида яшаймиз, ўғлим.

Азизроқ туйғу йўқ қадр ва шаъндан,
Чечаклар терамиз ажиб гулшандан,
Ҳаёт бошимизни силар ўшанда,
Суюклар ичида яшаймиз, ўғлим.

Миннатнинг хонаси тўла ғубор, ғард,
Қалбимизда инграр тўққиз йиллик дард,
Ўзимизга ўхшаш хокисор ҳамдард,
Куюклар ичида яшаймиз, ўғлим.

Ўтмаган кун борми, ўтар бир зумда,
Йиллар – ўч олгувчи, пойлар изимдан,
Сен менинг, мен эса сенинг сўзингда,
Суюклар ичида яшаймиз, ўғлим.

Ишон, қутлуғ кунлар келади ҳали.

* * *

Биламан, қалбингиз тирпар хавотир,
– Ишқилиб, саломат бўлса бас, – дейсиз.
Менинг битта дардим минг йилга татир,
Она, нечун бунча ғамимни ейсиз?

Кўйимда юрсангиз азият чекиб,
Висолдан жўшқин шеър ёзганим бекор.
Ташвишимдан ариб, жонимни тикиб,
Бир бор дардингизга тополдимми кор?!

Сафарим чўзилди йўлларни қучиб,
Бармоқлар кун санаб интиқ-зор бўлди.
Сизга қайтаяпман кўкларда учиб,
Интиқиб кутилган шул дийдор бўлди.

* * *

"Билсангиз, ҳайдалиш куйин чалингиз"
"Ўтган кунлар"дан

Қалбим очай десам, дардкашим қани,
Масхара айлайди ҳолимни ғаним,
Садолар сеҳрига ошно муғанний,
"Билсангиз, ҳайдалиш куйин чалингиз".

Мени сиғдирмади шу кенг ҳовли, жой,
Қизи осмонимда ўн беш кунлик ой,
Кўнглимни тушунмас на камбағал, бой,
"Билсангиз, ҳайдалиш куйин чалингиз".

Кўксимда очилган гулларим сўлган,
Қаро кузларимда аламлар кулган,
Бир тўйиб йиғлайин, юрагим тўлган,
"Билсангиз, ҳайдалиш куйин чалингиз".

Насимлар тонг саҳар сизни дараклар
Оҳ, қачон эрийди бу тош юраклар,
Маъюс шовуллаган азим тераклар,
"Билсангиз, ҳайдалиш куйин чалингиз".

Меҳру муҳаббати қарз демагайман,
Ҳижронида ёнсам арз демагайман,
Ул соҳибчиройга арзимагайман,
"Билсангиз, ҳайдалиш куйин чалингиз".

Аросатда қолган бу жоним хордир,
Кўнгил танҳо ўша сулувга зордир,
Умидим узмадим – қайтишим бордир,
“Билсангиз, ҳайдалиш куйин чалингиз”.

ЁНАР БЎЛДИМ

Узоқ кетсам висолингдан фироқингда ёнар бўлдим,
– Ишқ элида вафо борми?! — сўроғингда ёнар бўлдим.

Мактубларда битиб кўнгил тарин сен бирла розлашсам,
Дард аҳли анжуман қурган туроғингда ёнар бўлдим.

Изларингнинг гардини то, тўтиё айласам кўзга,
Замину пойинг ўртаси – тупроғингда ёнар бўлдим.

Ўзгалар ғамига корлик сенинг асли саодатинг,
Кипригингга илинган ёш титроғингда ёнар бўлдим.

Эй, Нилуфар, дарахтлар боз отар дилга хазонбарглар,
Юрак бандингдан узилган япроғингда ёнар бўлдим.

БОРОЛМАГАЙМАН

(Қўшиқ)

Муҳаббатда ёнишларим бор,
Ҳаловатдан тонишларим бор,
Фироқлардан қонишларим бор,
Елдек учиб боролмагайман.

Ёнингизда парвоналар кўп,
Куйингизга ҳайроналар кўп,
Юрак-бағри вайроналар кўп,
Ҳолингизни сўролмагайман.

Васлингизни истарман ҳамон,
Рангим бўлди соғинчдан сомон,
Суюклигим, энди сиз томон,
Йўлларимни буролмагайман.

Қанча тўсиқ довон ошамиз,
Жўшқин дарё мисол тошамиз,
Айтинг, қачон дийдорлашамиз,
Рухсорингиз кўролмагайман.

Муҳаббатда ёнишларим бор,
Ҳаловатдан тонишларим бор,
Фироқлардан қонишларим бор,
Елдек учиб боролмагайман.

ДАРД АЙТМА ЭКАН

Ғам ёшларинг оқса сел бўлиб,
Товонингга санчилса тикан.
Қолса ҳамки, юрак тўкилиб,
Дуч келганга дард айтма экан.

Руҳинг – кўкка интилган оққуш,
Қанотлари тўла сароб, туш,
Изтироблар этса-да сархуш,
Орзулардан ҳеч қайтма экан.

Ҳақиқат-ла бўлиб ёнма-ён,
Ҳар бир лаҳза эл дардида ён,
Бахтиёрлик келмайди осон,
Курашлардан тап тортма экан.

Яйраб енгил куй, наволарга,
Қолмай десанг гар жафоларга,
Қадринг билмас бевафоларга,
Дил қушини сайратма экан.

Эй, Нилуфар, ҳали ғўрдирсан,
Ўз йўлидан қайтмас – ўрдирсан,
Пешонаси бунча шўрдирсан,
Дилинг ошиб, яйратма экан.

Дардсизларга дард айтма экан.

* * *

Сўз сеҳридан лол айлабон жумла жаҳон аҳлин абад,
Асрларнинг елкасида опичланиб бир ном яшар.

Базмларин хаста дилга малҳам тутиб бедор қалблар,
Бири Фарҳод, бири Ширин бўлиб ишқин куйлар башар.

Маржон этиб тизилганму? Мисралари дур ичра дур,
"Хазойин-ул маоний"дан мозийларга бўйлар башар.

Адолатдан сўз кетса гар, орзусидир одил шоҳлар,
Нўширавон, Искандардан ривоятлар сўйлар башар.

Ҳамон нуроний ёшдадур, мангуликка даъвоси бор,
Ҳар таваллуд куни элда шеър базми деб тўйлар башар.

Эй, Нилуфар, Навоийдан сабоқ олгин, тириксан то,
Сенинг ҳам дард ғамингни еб, иқболингни ўйлар башар.

* * *

Қаро зулфинг фироқида паришон рўзгорим бор.

(З.М.Бобур)

Васл гулзорида анбар, қачонки гул узорим бор,
Қади сарви равоним, лаби лаъл гулузорим бор.

Ҳижоб ичра кўрингуси эгилма қош-ҳилоли ёй,
Неча ғамза ўқида фош, неча бир жон сўрорим бор.

Кўнгил равшан топгай мудом қуёш янглиғ юзин кўргач,
Уятдан дам қизаргуси шафақ мисли узорим бор.

Илинжим шул насимларга, дилимга солса, оҳ, не тонг,
Қачон борсам висолига ишимда ҳам барорим бор.

Муҳаббат кишварининг тахтини тутса агар юз йил,
То умрбод хизматига қул тутинмоқ қарорим бор.

Нилуфар дер: баски энди фироқингда ўлдирмагил,
Вале ишқнинг савдосида кўчангдин боз гузорим бор.

* * *

Ўртанурмен кўйидин ёр, девона экан бу дил,
Товланиб кш ғамза бирлан рахнона экан бу дил.

Чун муҳаббат боласидан ҳар шабьи нўш этгали,
Майл этарким, лаб босарга, паймона экан бу дил.

Не наф анга тоати роз, токи имдод бермаса,
Даҳр аро ишқ қисматидин ранжона экан бу дил.

Кўз учирмас неча лаълу, дуру гавҳар сеҳрина,
Тубларида ганж чўкинган уммона экан бу дил.

Манзилидин қайтмаски ҳеч не мурувват айлама,
Ваъдасига собиту табъ, мардона экан бу дил.

Мақсудимдир балою, дард-ситамлардин йироқ ўлмоқ,
Нетай мутриб ҳазин тутган сўзона экан бу дил.

Сўзларингга, эй, Нилуфар, аслоки гўш солмас эса,
Кўп куйинма, сен тушунмас, тифлона экан бу дил.

* * *

Бутун бани олам яшнаб, жилосин дилга жуз этди,
Юракка кўл соларга нав баҳордек тавфи сўз этди.

Қумрилар хонишин тинглаб, навозин қилди райҳонлар,
Ҳаёт ишқини куйларга суруду *най-қўбуз этди.*

Ки гуллар таратиб атрин димоққа урдилар ўзни,
Томчисин ҳадялар айлаб, фалак ҳам ашкрез этди.

Жами туйғулар уйқудан кўз ишқаб уйғониб шулчоқ,
Кел, эй, деб йўлга пешвозлар, татирга нону туз этди.

Қовуштирди тилакларни, ғариб ҳолини сўрмоққа,
Илиқлик инди кўнгилга мурувват отли рўз этди.

Ҳама дўсту қадрдондир ниятлар ҳам ушалгуси,
Қуёш зар нурларин ёйиб, зимистонни афрўз этди.

Куну тун тинмайин деҳқон уруғ сочмоққа шайланди,
Яна элга тўкинлик-ла, насиба, ризқ-рўз этди.

Куйдирарму шайдосини оташига солиб, ваҳки,
Тийра кўзлар ўтли боқиб, тўқушган дам румуз этди.

Товусдек товланиб ёнди ўшал оҳу нигоҳлар ҳам,
Қади басти, жамолига тағин борлиқни кўз этди.

Нилуфаргул, юракларда сенингдек қалқди бу кунлар,
Омон етдик, шукур, кўкламга – айёми наврўз этди.

* * *

Кўнгил ташна наволарга яна "Сегоҳ" ни истайди,
Не базмлар хушламаски, кўк узра моҳни истайди.

Ўзга диллар англамайдур жўш урарким қай замон,
Ўй сурардин сиғмай ўзга бир хонақоҳни истайди.

Ки асрорлар яширгайму сўз ичидa кўринмас ул,
Табъининг сиррини ошкор очар мифтоҳни истайди.

Беҳислардин топмоғига заррача йўқтур имтиёз,
Мудом ўю хаёл узра бирор салоҳни истайди.

Бу не ҳолдур таассурда ғунча янглиғ очиб ўзни,
Магар ишқ бир гуноҳ ўлса, дағи гуноҳни истайди.

Кимки лолдир гумонларда не истар деб бу Нилуфар,
Диловарлар суҳбатида мунис дилхоҳни истайди.

ХОТИРАЛАР КЕРАК БИЗГА

Дунёда йўқ йўқотишдан ортиқ фироқ,
Унсиз армон ўрлаб борар, оҳ, кўкларга.
Ўтганларнинг жисмин ўпиб ётар тупроқ,
Хотиралар керак бизга – тирикларга.

Тиламаслар энди улар шон-шавкатлар,
Ҳар қадамда панд бермаслар шерикларга.
Яқинлардан кутганлари тиловатдир,
Хотиралар керак бизга – тирикларга.

Этмоқ учун ўтганларнинг руҳини шод,
Айламоққа ҳар бир эзгу ишларин ёд,
Тутмоқ учун охиратин мангу обод,
Хотиралар керак бизга – тирикларга.

ҲОФИЗ НИДОСИ

(Хонанда Пўлат Ҳамидов хотирасига)

Фироқларда куйган билар айроликни,
Тирналганда юрак-бағри яроликни,
Узоқ тутманг дилга яқин ороликни,
Қолган умрим кўнглингизда яшай, дўстлар.

Яратганнинг қисмати бу кўнингиз-да
Соғинчларнинг торин чертай тушингизда,
Қўшиқ бўлиб борай яхши кунингизда,
Қолган умрим кўнглингизда яшай, дўстлар.

Тушингизга кирсам бевақт, мендан безманг,
Фарзандларим йўқлаб туринг, оёқ узманг,
Йиғламангиз, наволарим бағрин эзманг,
Қолган умрим кўнглингизда яшай, дўстлар.

Санъатим ҳам нафосатим сизга бўлсин,
Чексиз ҳурмат, садоқатим сизга бўлсин,
Сўнмас меҳру муҳаббатим сизга бўлсин,
Қолган умрим кўнглингизда яшай, дўстлар.

Кетди деманг, давраларнинг файзидаман,
Шогирдларнинг хонишлари, авжидаман,
Ҳаётингиз эпкинлари, мавжидаман,
Қолган умрим кўнглингизда яшай, дўстлар.

Фироқларда куйган билар айроликни,
Тирналганда юрак-бағри яроликни,
Узоқ тутманг дилга яқин ороликни,
Қолган умрим кўнглингизда яшай, дўстлар.

РИВОЯТ

Бу ҳам балки эртак, балки ҳикоят,
Кимларгадир эрмак, кимга ривоят.

Бир йигит бор экан барно ниҳоят,
Ери кўнгли тоза-самимий ғоят.

Хотини ҳусида ягона эмас
Бу ҳолдан эрини кўнгли ҳеч тўлмас.

Йигит таҳқирларкан уни тинмайин,
– Сен менга лойиқмас, — дея кун сайин.

Шунда ҳам хотини қилар ардоғин,
Дилдан севар экан турмуш ўртоғин.

Ниҳоят бир куни раҳмдил худо,
Унга ўғил фарзанд этибди ато.

Аёл суюнибди – аста олиб тин,
– Эрим берар, — дея, – боламга меҳрин.

Йигитнинг бундан ҳам кўнгли тўлмабди,
Не қилсаки, аёл, сира бўлмабди.

Сўнг бечора оғир ўйлардан толиб,
Уйини тарк этмиш боласин олиб.

Йўл юриб толиқди, дарахт остида,
Кўзлари юмилиб кетмиш пинакка.

Туш кўрди – тушида бир чол нуроний,
Қип-қизил олмани тутди шу они.

Деди: – Қизим, алҳол чекибсан кўп дард,
Сени тушунмабди бевафо – номард.

Олмани еганинг заҳоти, болам,
Жисмингга ўрнашар ҳурлиқо санам.

Азобларинг унутар, бўлиб хуррам-шод,
Яна бирга яшайсизлар яна умрбод.

Аёл хурсанд бўлиб олмани ногоҳ,
Дудоғига босиб, истабди паноҳ.

Нуроний айтибди: – Қизим, шошмай тур,
Яна бир муаммо бордир, ўйлаб кўр.

Олмани сйсан-у, ойдек тўласан,
Энг азиз нарсангдан жудо бўласан.

Тақдир боланг олар бағрингдан юлиб,
Сен эса қоларсан – ҳур санам бўлиб.

Бу сўз ожизани даҳшатга солди,
Олмани ирғитиб, боласин олди.

– Гўзаллик ортимда қолмас соядай,
Болам-ла қаддим тик – юксак қоядай.

Орзулар майлига мен учун сароб,
Гўдаксиз ҳолимни айлама хароб.

Оташга боққандек, майли, боқмасин,
Унга хунуклигим асло ёқмасин!

Фақат сен ўғлимни соғ сақла омон,
Шу болам чиройдир, шудир менга жон.

Тангридан ўтиниб, сурганча хаёл,
Боласин бағрига босибди аёл.

Гўдагин меҳр-ла қучмоқ зиёда,
Аёлга энг ширин бахтдир дунёда.

МУНДАРИЖА

«Юрак тупроғида азим бир дарахт...» 3
«Нигоҳларим ниҳол бўлиб кўкарган ер...» 4
Гўзал шаҳрим 4
«Мажнунтол назр этар навозишларин...» 6
Ҳолат 7
«Кўз қисишар юлдузлар ғужғон...» 8
Дуогўй ёмғир 8
Эски ҳовли 9
Хаёл 10
Раъногулим 11
Яшил ҳайратлар 12
Онамга 12
«Хаёлларинг меҳр талашиб...» 14
«Кўнгилда нишо урар орзу-ҳаваслар...» 15
Бу йўллардан 16
«Хонангизнинг деразасига...» 17
Томчилар 18
Соғиндимми... 19
Менман асли 20
Ойни кўзгу қилиб 21
Бизга аталган кун 22
«Жимлик..». 23
Тилак 24
«Шамоллар, сочларим эркалаб суйинг...» 25
Кўзингни арт... 26
«Армонми ўнгиму сўзларим...» 27

«Орзуларга етгумми омон...» 28
«Сени узоқларга олиб кетайми...» 29
«Сочимни тўзғиб ўйнарга, ажаб, дайди
шамол йўқдир...» 30
«Сиз турган тоғ баланд экан...» 31
«Сен юракка излар солган сирли йўлдирсан...» 32
«Қоқилган киприкка ўхшар ўтган кун...» 32
«Дарахтнинг энг тепа шохида...» 34
Баҳор сўнгида 35
«Деразадан боқиб, оқшом чўкканда...» 36
«У кунларни эслаган маҳал...» 37
Дард 38
Сиз билмайсиз 39
Менга шундай туюлар 40
«Йил сўнгида хайрлашмоқ оғир кечар...» 41
«Бир кун кўксимизга офтоб тегади...» 42
«Биламан, қалбингиз тиншар хавотир...» 43
«Қалбим очай десам, дардкашим қани...» 44
Ёнар бўлдим 45
Боролмагайман 46
Дард айтма экан 47
«Сўз сеҳридан лол айлабон жумла жаҳон
аҳлин абад...» 48
«Васл гулзорида шбар, қачонки гул узорим бор...» 49
«Ўртанурмен кўйидин ёр, девона экан бу дил...» 50
«Бугун бани олам яшнаб, жилосин дилга
жуз этди...» 50
«Кўнгил ташна наволарга...» 52
Хотиралар керак бизга 53
Ҳофиз нидоси 54
Ривоят 55

Адабий-бадиий нашр

НИЛУФАР УМАРОВА

ДУОГЎЙ ЁМҒИР

Муҳаррир ***А.ХУДОЙБЕРДИЕВ, Г.МИРЗАЕВА***
Бадиий муҳаррир ***Б.БОЗОРОВ***
Мусаҳҳиҳ ***Н.МИНАҲМЕДОВА***
Тех.муҳаррир ***Е.ДЕМЧЕНКО***
Саҳифаловчи ***С.МИРЗАЕВ***

Босишга 11.10.2006 й.да рухсат этилди. Бичими70х84 1\32. Босма табоғи 1,875. Шартли босма табоғи 2,19. Адади 1000 нусха. Буюртма № 247. Баҳоси келишилган нархда.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди. 700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.